



ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ САБАБ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

Неъматов Азизбек Ғолибжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

Академияси ўқитувчиси,

Тел: +998911303020

azizbek_nematov_696@mail.ru

АННОТАЦИЯ. Мақолада жамиятда ижтимоий салбий ҳодиса бўлган жиноятларнинг сабаб ва шароитлари соҳа олимларининг фикрлари асосида таҳлил қилинган, уларнинг тушунчаси, мазмун-моҳияти, шунингдек жиноятнинг сабаб ва шароитлари таснифлари ўрганилган. Жиноятнинг сабаб ва оқибати ҳамда шароитнинг узвий боғлиқлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мақоланинг хулоса қисмида жиноятнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш суриштирув ва тергов органлирининг профилактик фаолиятни самарали режалаштириш, жиноятларни барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши ёритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: жиноят, сабаб, шароит, оқибат, ахборот, тергов профилактикаси, психологик.

Жиноятларни профилактика қилиш бугунги кунда ҳар бир жамият ва давлат олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, жиноятчиликка қарши курашиш фақат жиноят содир этилгандан сўнг жавобгарлик чораларини қўллаш билан чекланиб қолмасдан, балки унинг олдини олиш, жиноят содир этилишига замин яратаётган омилларни барвақт аниқлаш ва бартараф этишни ҳам ўз ичига олади. Шу маънода, профилактика



фаолияти жиноятчиликка қарши курашиш тизимининг энг самарали ва инсонпарвар йўналиши сифатида намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳам бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятини самарали режалаштириш, уларнинг иш натижаларини чуқур таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омиллар ва шарт-шароитларни бартараф этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган [1]. Бу эса жиноятларни профилактика қилиш масаласининг стратегик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар жиноят процесси, криминология ва криминалистика фанларининг асосий тадқиқот объектларидан бири ҳисобланади. Бироқ мазкур масалани фақат ҳуқуқий фанлар доирасида ўрганиш билан чекланиб бўлмайди. Чунки жиноят инсон онги, хулқ-атвори ва ижтимоий муҳит билан бевосита боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий воқелик бўлганлиги сабабли, унинг сабаблари психология, фалсафа, социология каби қатор ижтимоий фанлар нуқтаи назаридан ҳам таҳлил этилишини талаб қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш комплекс ёндашувни тақозо этади. Бунда ҳуқуқий таҳлил билан бир қаторда шахснинг психологик ҳолати, унинг ижтимоий муҳити, маънавий қадриятлари, турмуш тарзи ҳамда жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Фақат шундагина жиноятчиликнинг асл илдизларини аниқлаш ва унга қарши самарали профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконияти яратилади.



Жиноятнинг содир этилишига асос бўлган сабаблар, одатда, муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлган ҳолатда аниқ бир оқибат — яъни жиноят содир этилишига олиб келади. Сабаб ва оқибат ўртасидаги узвий боғлиқлик, шунингдек, уларнинг муайян ижтимоий шароитлар билан чамбарчас алоқада эканлиги жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Айнан ушбу қонуният жиноятчиликнинг тасодифий эмас, балки муайян ижтимоий, психологик ва иқтисодий омиллар таъсирида юзага келадиган мураккаб жараён эканлигини кўрсатади.

Профессор З. Зарипов жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларига қуйидагича таъриф берган: “жиноятчилик сабаблари ижтимоий-психологик воқелик сифатида жиноятчилик ҳамда жиноятларни келтириб чиқарувчи ўзига хос жараёнлар тизимидир, жиноятчиликнинг шароитлари эса ўзига хос равишда унинг сабаблари юзага келишини жадаллаштирувчи ҳолатларни ўз ичига олади” [2]. Ушбу таърифда жиноятчиликнинг келиб чиқишида сабаб ва шарт-шароитнинг ўзаро боғлиқлиги аниқ ва равшан ифодаланган.

Муаллифнинг фикрича, ҳар қандай шарт-шароит ўз-ўзидан жиноятчилик ёки муайян жиноятни келтириб чиқармайди. Бироқ айнан шу шарт-шароитлар мавжуд бўлган ҳолатда жиноят сабаблари амалий ифодасини топиб, жиноят содир этилишига олиб келади. Шу билан бирга, ҳеч бир жиноят муайян сабабларсиз содир этилмайди. Бу ҳолат жиноятчиликнинг ижтимоий табиатига хос қонуният сифатида намоён бўлади.

Жиноятларнинг сабаблари ўрганилганда, айрим ҳолларда жиноят содир этилишига биргина сабаб асос бўлган бўлса, бошқа ҳолларда эса сабаблар тизими ёки узоқ давом этган омиллар йиғиндиси ҳал қилувчи аҳамият касб этгани кузатилади. Муайян жиноятга олиб келган сабаблар кетма-кетлиги, айниқса, маиший турмуш соҳасидаги жиноятларда, жумладан, оилавий келишмовчиликлар, узоқ вақт давом этган низолар, руҳий зўриқиш ҳамда тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятларда яққол намоён бўлади.



Шу боис, жиноятларни профилактика қилишда айнан шундай сабаблар занжирини барвақт аниқлаш, уларни юзага келтираётган шарт-шароитларни бартараф этиш ва аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса жиноятчиликка қарши курашишда самарали, тизимли ва барқарор натижаларга эришиш имконини беради. В.Малкова жиноятнинг сабаб ва шароитларини ўзига хос тарзда талқин қилган, яъни унинг фикрича жиноятнинг сабаби деганда шундай воқеа ёки ҳодиса тушуниладиган, бундай ҳодисалар муайян шароитларда оқибатни келтириб чиқарадиган бошқа ҳодисаларни пайдо қилади. Жиноятнинг шароитлари эса ижтимоий ҳаётдаги турли ҳолатлар бўлиб, улар мустақил жиноятларни келтириб чиқармайди, балки унинг келиб чиқишига, содир бўлишига кўмаклашади, имкон яратади [3].

Юқорида қайд этиб ўтилган таърифлар таҳлили шуни кўрсатадиган, жиноятнинг содир этилишига оид “сабаб”, “шароит” ва “оқибат” тушунчалари ўзаро узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ушбу категориялар жиноятчиликнинг келиб чиқиши ва ривожланишини тушунишда муҳим илмий-назарий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг бир-биридан ажралган ҳолда таҳлил қилиниши жиноятнинг ҳақиқий моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Аксинча, жиноятни келтириб чиқарувчи омиллар тизимини аниқлаш учун сабаб, шароит ва оқибатнинг ўзаро боғлиқлиги комплекс тарзда ўрганилиши лозим.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳодисаларнинг сабабий боғланиши одатда бир ҳодисанинг иккинчи бир ҳодисани келтириб чиқариши орқали намоён бўлади. Фалсафий нуқтаи назардан қараганда, ҳар қандай ҳодиса муайян сабабларга эга бўлиб, уларсиз ҳодисанинг вужудга келиши мумкин эмас. Мазкур қонуният жиноятчиликка ҳам тўлақонли татбиқ этилади, яъни ҳар бир жиноят содир этилиши замирида муайян ижтимоий, психологик, иқтисодий ёки ҳуқуқий



сабаблар ётади.¹ Бу эса жиноят содир этилиши тасодифий ҳолат эмаслигини, балки маълум бир объектив ва субъектив омиллар таъсирида юзага келадиган воқелик эканлигини англатади.

Албатта, жиноятга имкон берган сабаблар ва шарт-шароитлар муайян вақтда ва муайян ҳолатда ўзаро таъсирга киришгандагина жиноий оқибат юзага келади. Яъни сабаблар ўз-ўзидан жиноятни келтириб чиқармайди, балки улар учун тегишли шарт-шароитлар мавжуд бўлгандагина жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик амалга оширилади. Шу маънода, шарт-шароит сабабларнинг амалий ифодасини таъминловчи, уларни ҳаракатга келтирувчи омил сифатида намоён бўлади.²

Жиноят содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларга С. Данилова қуйидагича таъриф беради: улар объектив ва муқаррар равишда жиноятнинг содир этилишига олиб келадиган, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар мажмуидир [4]. Муаллифнинг мазкур таърифи жиноятни фақат ижтимоий ёки психологик воқелик сифатида эмас, балки ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятли ҳолатлар тизими сифатида баҳолаш имконини беради. Бизнингча, ушбу ёндашув жиноят-процессуал нуқтаи назардан қаралганда тўлақонли ва ўринли ҳисобланади.

Чунки жиноят содир этилишига олиб келган сабаблар ҳамда шарт-шароитлар суд-тергов амалиётида иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар сифатида аниқланади ва уларни белгилаш суриштирув ҳамда тергов органлари учун муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур ҳолатларни тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш орқали жиноятнинг келиб чиқиш омиллари очиб берилади, шунингдек, уларни бартараф этишга қаратилган тегишли процессуал қарорлар қабул қилиниши учун ҳуқуқий асос яратилади. Бу эса жиноятларнинг олдини

¹ Неъматов, Азизбек. "ЖИНОЯТ САБАБЛАРИ ВА УНИ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ТАҲЛИЛИ." *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences* 1.3 (2022): 7-10.

² Неъматов, А. (2022). ЖИНОЯТ САБАБЛАРИ ВА УНИ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ТАҲЛИЛИ. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 1(3), 7-10.



олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноятга олиб келган сабаблар занжири, одатда, турлича бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда жиноят содир этилишига олиб келган сабаблар узок вақт давомида шаклланиб, муайян ижтимоий муҳитда такрорланиб келган омиллар таъсирида тобора кучайиб борган ҳолда, маълум бир шарт-шароитлар мавжуд бўлган пайтда жиноий оқибатга олиб келади. Бундай ҳолатларда жиноятни келтириб чиқарган сабаблар тизимли ва давомий характерга эга бўлади.

Бошқа ҳолларда эса жиноятнинг содир этилишига айнан ўша лаҳзада имкон берган, яъни жиноятни бевосита келтириб чиқарган сабаблар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу каби вазиятларда жиноят кўпинча тасодифий шароитлар таъсирида, қисқа вақт ичида шаклланган сабаблар натижасида содир этилади. Шу тариқа, жиноятга олиб келган сабаблар занжирининг узун ёки қисқа бўлиши жиноятнинг хусусияти, унинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ҳамда содир этилиш усулини тўғри баҳолашда муҳим мезон сифатида хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, жиноий оқибатни аввалги ҳодисаларнинг сабабий занжири натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Бундай ёндашув жиноятчилиқни фақат натижа сифатида эмас, балки унинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатган барча омиллар йиғиндиси сифатида таҳлил қилиш имконини беради. Айни пайтда, мазкур ёндашув жиноятларни профилактика қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки жиноятга олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни барвақт аниқлаш орқали жиноий оқибатларнинг олдини олиш имконияти яратилади. Жиноят процессуал соҳа олимлари ва мутахассислари жиноятнинг сабаблари ва асосларини жиноят белгиларининг мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар сифатида таърифлашган [5]. Мазкур таъриф жиноят-процессуал ҳуқуқи нуқтаи-назаридан аниқ ишлаб чиқилган. Дарҳақиқат, жиноят белгилари мавжуд ҳолатлар жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўлади, шунга мувофиқ унинг сабаб ва шароитлари ўрганилади.



Жиноятнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларнинг ўзига хос психологик жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, бу шахс, унинг иродаси, ирода эркинлиги билан боғлиқ. Маълумки, инсон атрофида кечаётган ҳодисалар, жараёнлар унга таъсир этади, айтилиш вақтда бундай ҳодиса ва жараёнларга унинг ўзи ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳуқуқбузарликларнинг барча сабаб ва шароитлари инсон психологияси ва онгига таъсир кўрсатиб, унда ғайриижтимоий қарашларни, ҳуқуқ-атворни шакллантиради ёки уларни озиқлантиради, кучайтиради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”*ги* 2017 йил 7 феврал, ПФ-4947-сон Фармони.<http://www.lex.uz>. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
2. Криминология: Дарслик / Зарипов З.С., Пулатов Ю.С., Аванесов Г.А. ва бошқ.; проф З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б. 65.
3. Криминология: Учебник// под ред. проф. Малкова В.Д. – Москва.: 2004 г. стр. -44.
4. Данилова С.И. Установление и устранение причин и условий, способствовавших совершению преступления, в стадии предварительного расследования // дисс., Москва, 2001. Стр. -37.
5. Рахмонкулов А.Х., Миразов Д.М., Шарафутдинов А.О. ва бошқ. Дастлабки тергов: ИИВ Академияси учун дарслик. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б.- 301.